

Ҳамма дунёпараст бўлавермайди



16:08 / 05.03.2020 2425

Бир олим машҳур бир шайх ҳақида эшитиб, ахлоқини ва ботинини поклаш мақсадида узоқ сафарга чиқди. Анча йўл босиб, ўша шайхнинг ҳузурига келди. Унга байъат қилиб, у зотнинг ҳузурига яшай бошлади. Шу аснода унга шайхнинг катта мол-давлати, шон-шавкати ва шоҳона қасри борлиги маълум бўлди. Байъат қилган шайхнинг бир қанча хизматкор ва қуллари бор экан. Турли-туман оромбахш ашё-жихоз, шунингдек, катта тижоратга эгалик қилар экан. Олимнинг хаёлига «Мен нотўғри жойга келиб қолибман» деган ўй-фикр келди. Чунки тасарруфида шунча нарса бор инсон дунёга хирс қўйган бўлади. «Бундай одамнинг ҳузурига эса қандай қилиб динни, зуҳдни ўрганиш мумкин?» деб ўйлади.

Аср вақти яқинлашгунга қадар ақлини мана шундай ўй-фикрлар банд қилди. Шу пайт шайх сайр учун отланди. Олим ҳам унга ҳамроҳ бўлишни

истади. Бошқа ҳеч ким уларга шерик бўлмади. Бир чакалакзорга етишганида олимнинг хаёлига бир фикр келди ва шайхга қараб: «Ҳазрат, мен ҳажга боришни ниҳоятда орзу қиламан, дуо қилинг, Аллоҳ таоло менга ҳажга боришни насиб қилсин», деди. Шайх: «Ҳақиқатан, ҳажга боришни қаттиқ истаяпсанми?» деб сўради. Олим: «Ҳа, буни жуда хоҳлайман», деди.

Шу савол-жавоб уч бор қайтарилганидан сўнг шайх бир томонга қараб кета бошлади. Олим ҳам унга эргашди. Улар узоқ юришди. Анча жойгача шу зайлда кетишди, қуёш ҳам ботай деб қолди. Шунда олим қўрқиб: «Ҳазрат, ўзи қаерга кетяпмиз?» деб сўради. Шайх: «Ҳажга кетяпмиз», деб жавоб берди. Олим ҳайрон бўлиб: «Ҳозир шу ердан тўғри ҳажга кетяпмизми?» деб сўради. Шайх: «Ҳа», деди. Олим: «Ҳазрат, менинг ёпинчиғим сизнинг уйингизда қолган эди, ижозат беринг, ақалли шуни олиб келай», деди. Шайх: «Сенинг фақат битта ёпинчиғинг, менинг эса бутун бойлигим, барча мол-мулким қолиб кетяпти-ку!» деб жавоб берди.

Қиссадан ҳисса шуки, олимнинг ёпинчиғи қалбга кирган дунё эди, шайхнинг барча мол-дунёси эса бундай эмас. Чунки шайхнинг мол-мулки қалбидан ташқарида эди. Дунёнинг бирор матоҳи қалбга қаттиқ ўрнашиб, Аллоҳнинг зикридан ғафлатда қолдирса, Аллоҳ ва Унинг Расули итоатига ҳалал бера бошласа, у дунёдир. Қай бир нарса қалбга ўрнашмаса, у дунё эмасдир. Инсоннинг мисоли кема бўлса, дунёнинг мисоли сувдир. Кема сув устида юради. Кема сувсиз юра олмайди. Лекин кеманинг ичига сув кирса, кема чўкиб кетади. Бир шоир айтганидек:

Бордим дарё бўйига,

Кўрдим ажиб томоша.

Кема ичида дарё,

Дарё ичида кема.

Бунинг маъноси шуки, дунёнинг муҳаббати киши қалбига ҳаддан ошиқ ўрнашиб қолса, унинг дунёси ҳам, охирати ҳам хавф остида қолади.

Муҳаммад Рафиъ Усманийнинг «Ислоҳий тақрир»

китобидан Қудратуллоҳ Сидиқметов таржимаси

«Ҳилол» журналининг 9- сонидан олинди.